ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 апрель куни Америка Қўшма Штатлари конгресси вакиллар палатасининг ассигнация қўмитаси раиси Роберт Ливингстон раҳбарлигидаги АҚШ конгресси делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ислом Каримов америкалик меҳмонларни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон раҳбарияти АҚШ билан, жумладан, ушбу мамлакат конгресси билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бераётганини қайд этди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётгани қувонарлидир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Шу йил февраль ойида Вашингтонда ўтган Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама комиссияси сессияси самарали бўлганининг ўзиёқ фикримизнинг далилидир.

Конгрессменлар делегацияси раҳбари Р. Ливингстон қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Ҳамроқулов иштирок этди.

Қабул маросимида АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Пресел ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Бош вазири Месут Йилмаз шу йил 12-14 апрель кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 9 апрель, пайшанба № 43 (22.280).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокотуҳу, Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан, шунингдек, ўз номимдан Сиз жаноби олийларини муқаддас Ийд ал-Адҳа байрами билан чин юракдан муборакбод этаман.

Меҳрибон ва қодир Аллоҳ мамлакатларимиз халқларининг, шунингдек, бутун Ислом олами халқларининг якдиллик ва жипслашишга бўлган интилишида доимо мададкор бўлсин.

Мен меҳрибон ва қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, бардамлик ва узоқ умр, Ўзбекистон халқига эса бутун мусулмон аҳли билан биргаликда тараққиёт ва равнақ ато этишини сўрайман.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокотуҳу.

СУХАРТО,
Индонезия Республикаси Президенти

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз жаноби олийларини муқаддас Ийд ал-Адҳа байрами билан муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Сурия халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни, Сиз орқали бутун қардош ўзбек халқини бу байрам билан самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Парвардигори оламдан Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқи ва бутун ислом аҳлига эса эзгулик ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Ҳафиз Ал-АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Адҳа муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий қутловларимизни йўллаш бизга улкан мамнуният бахш этади. Бу муқаддас байрам куни бутун мусулмон олами Парвардигорга ҳамду сано айтган ҳолда бирлашади. Бу байрам, шунингдек, ибодат ва тазаррулар пайти ҳамдир.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, биз Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингиз халқи ҳамда бутун дунё мусулмонларига эса бу кунни яхши байрам қилишни тилаймиз.

Қобус бин САИД,
Уммон султони

ВАТАН ХАРИТАСИ

Чехия Республикаси саноат ва савдо вазири Карел Кюнл раҳбарлигида ҳукумат ва ишбилармон доиралар вакилларидан иборат йирик делегация мамлакатимизда бўлди.

Давлатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда ўзаро сармояларни ҳимоялаш борасида бир неча ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Чехия саноат ва савдо вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланган. Музокараларда ҳозирги ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, бевосита хўжалик субъектлари ўртасидаги алоқаларни равнақ топтириш вақти келгани алоҳида таъкидланди.

***

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан ўтказилган ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги ниҳоясига етди. Натижа чаккимас: ўтган йилнинг март ойида республикамиз бўйича 700 га яқин йўл-транспорт ҳодисаси рўйхатга олинган эди. Бу йил март ойида ана шу ҳодисалар 676 тани ташкил этди. Автоҳалокатлар оқибатида жароҳатланганлар 108 тага камайди. Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари эса 41 тага, жароҳатланганлар сони 16 тага камайди.

***

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлган кенгашда қишлоқ хўжалиги ширкати, унинг устав ва бўлинмас жамғармаларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш, ширкатда мулкий пайларни шакллантириш, тақсимлаш ва уларга дивиденд тўлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомлар, фермер хўжалигининг намунавий низоми каби ҳужжатлар атрофлича кўриб чиқилди.

***

Пойтахтда янги жамғарма — «Устоз» республика жамғармаси иш бошлади. У жаҳондаги мутараққий мамлакатларнинг таълим соҳасидаги барча ижобий ишларини ўрганишни қўллаб-қувватлаш, чет элда тажриба орттиришни ташкил этиш ҳамда янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва шу асосда малакали педагоглар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)

ФЕРМЕРДАН ҲАМҚИШЛОҚЛАРИ МАМНУН



Қадим замонлардан буён ота-боболаримиз бия ва туя қумронини қадрлаб келишган. Сабаби, ҳар иккала жонзотнинг ҳам сути инсон организми учун ниҳоятда фойдали бўлиши билан бирга ошқозон, ўн икки бармоқли ичак касалликларини даволашда муҳим ўрин тутади. Афсуски, шунга қарамасдан сўнгги пайтларда бундай турдаги уй ҳайвонларига нисбатан эътибор сусайди. Натижада уларнинг сони кескин камайиб кетди.

Косон туманининг «Оқсала» қишлоғилик Жомурод Алламуродов ана шундай савобли ишга қўл урди. У бўрдоқичиликка ихтисослаштирилган «Шомурод ота» хусусий фермер хўжалигини ташкил этиб, айни пайтда хўжалик қарамоғида 35 бош туя, 40 бош от, 350 қорамол ва 300 бош қўй-қўзи парвариш қилмоқда. Ўтган йили ушбу фермер хўжалиги 220 тонна гўшт ишлаб чиқариш билан бир қаторда, Қашқадарёдаги 15 та шифохонани жониворларнинг шифобахш сутлари билан таъминламоқда.

— Айниқса, туя қумрони билан бия қимизига йил сайин талаб ортиб бормоқда, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Жомурод ака Алламуродов.— Шу боис уларнинг сонини бу йил янада кўпайтиришни режалаштирямиз. Бундан ташқари хомашёмизни келгусида тайёр маҳсулот ҳолида ишлаб чиқариш ниятимиз бор.

Дарҳақиқат, косонлик фермер фақатгина хўжалик ишларини ривожлантириш билан чекланиб қолгани йўқ. У ўтган йилдан бошлаб «Гувалак» жамоа-ширкат хўжалигидаги мактабларнинг аълочи ўқувчиларига ўз ҳисобидан хусусий степендия жорий этди. Шунингдек, қишлоқдаги юзта камхарж оилага ҳар байрамда икки килограммдан гўшт етказиб бермоқда. Фермер хўжалигида меҳнат қилаётган олтмиш кишидан зиёд ишчини бепул иш кийими, иссиқ овқат ва ҳар ойда беш килограммдан гўшт маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Айни пайтда фермердан ҳамқишлоқлари мамнун.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Ш.ШАРОПОВ, (ЎзА) олган суратлар.

Хитой ўз мавқеидан фойдаланиб, Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнларига ижобий таъсир ўтказиш режасини тузмоқда.

***

Рим папаси Иоанн Павел II Шимолий Кореянинг очлик эълон қилган аҳолиси билан бирга халқаро намойишда иштирок этмоқчи. Бу билан у очлик эълон қилганларга маслакдош эканини кўрсатади.

***

Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминь Хитой—Украина муносабатларига ижобий баҳо берди.

***

Британия Бош вазири Ольстер бўйича музокараларда келишувга эришиш имконияти ҳали мавжуд, дея ҳисоблайди. У Шимолий Ирландиядаги вазиятни бартараф этиш бўйича музокаралар боши берк кўчага кириб қолгани сабабли мазкур ҳудуд расмий маҳкамалари билан шошилинч равишда янги музокараларни бошлади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

***

Югославиядаги вазият ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ягона Европа судига судьялар сайлаш — Европа Иттифоқи парламент ассамблеясининг навбатдаги сессияси кун тартибидан жой олган масалалардандир.

***

Аҳоли иш билан бандлиги борасидаги Германия Федератив Республикаси сиёсатига норозилик сифатида 60 минг нафар ишсиз Германия шаҳарлари кўчаларига чиқишни режалаштирмоқда.

***

Президент Борис Ельцин Арманистоннинг янги Президенти Роберт Кочарянни махсус мактуб йўллаб табриклади.

***

НАТО Бош котиби Хавьер Солана икки кунлик ташриф билан Францияга келди. У мамлакат бош вазири Лионел Жоспен ва бошқа вазирликлар раҳбарлари билан учрашади. НАТО аъзоси бўлган Франция 1966 йилда — Президент Шарл де Голл даврида Альянснинг ҳарбий тизимидан чиқиб, ҳанузгача унга қайтгани йўқ. Ҳарбий Альянс билан Франция келишмовчилигига асосий сабаб — НАТОнинг Европа қўмондонлигидаги янги таркибдир. Бу ўринда ҳам америкаликлар устун мавқега эга, дея ҳисоблайди французлар.

***

«Сити-бэнк»нинг Афинадаги бўлими биносида кучли портлаш юз берди. Бахтли тасодиф туфайлигина ҳеч кимга зарар етмади. Портлаш кучидан яқин орадаги уйлар ҳамда автомашиналарнинг эшик, дераза ромлари ва ойналари кўчиб тушган.

***

Май ойи ўрталарида АҚШ муомалага 20 долларнинг янги намунасини киритади, дея хабар беради «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги. Янги пулнинг ҳимоя белгилари 100 ва 50 долларлик пуллар билан бир хил бўлиши мўлжалланган.

ТЕРМИЗГА ҲАЙВОНОТ БОҒИ КЕРАК ЭМАСМИ?

Табиат— инсоният бешиги

Бугун мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар барча жабҳаларда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Кишилар онгида мулкка эгалик ҳисси кучаймоқда. Юртимиздаги жамики нарсалар – энг улкан тоғдан бошлаб, энг кичик хасгача ўзимизники эканлиги, бойлик, у қайси шаклда бўлишидан қатъи назар, боболардан бизга, биздан болаларимизга мерос эканлигини англаб етишимиз лозим. Лекин ана шу оддий ҳақиқатни ҳаммамиз ҳам тушуниб етаяпмизми? Ҳаммамиз шу юрт учун, шу Ватан учун, унинг бугунию эртаси учун бирдек жон койитаяпмизми? Фикримизча, бу саволларга бирданига «ҳа» ёки «йўқ» деб кескин жавоб бериб бўлмайди. Бироқ, маълум бир нуқталарда бу масалаларни таҳлил қилиб кўриш мумкин. Келинг, Сурхондарё вилояти Термиз ҳайвонот боғи мисолида юқоридаги саволларга жавоб ахтариб кўрайлик.

Келгуси йил Термиздаги ҳайвонот боғи ташкил этилганига 60 йил тўлади. Шу гапнинг ўзиданоқ у ерда юбилей тайёргарликлари қизғин деб ўйлаш мумкин. Афсуски, Термиз ҳайвонот боғида вазият, сиз ўйлаганчалик эмас. Юбилей-ку ўз йўлига, ҳали бу ерда жон сақлаётган юзлаб тур ҳайвон ва паррандаю даррандаларнинг неча фоизи келаси йилгача жон сақлаб қолиши ҳам ҳеч кимга маълум эмас. Чунки кейинги 5-6 йилдан буён бу жой мутасадди ташкилотларнинг эътиборидан четда қолиб кетган. Термизда ҳайвонот боғи борми ёки йўқми, бирор раҳбарнинг иши йўқ. Бу ерда сақланаётган жамики жонзотларнинг аҳволи танг. Очликдан, қаровсизликдан уларнинг сони ва тури камайиб кетмоқда. Таъминот масаласи батамом издан чиққан. Мавжуд 4 та бўлимдаги мушуксимонлар, айритуёқлилар, илонлар ва қушлар бундан атиги 2-3 йил олдин 280 турни ташкил қилар эди. Бугунга келиб эса бу рақам анчагина пасайиб кетган.

Бир сўз билан айтганда, бир пайтлар ўзининг нуфузи, ҳайвонот дунёсини тарғиб ва ташвиқ этишдаги ўрни билан собиқ иттифоқда иккинчи ўринни эгаллаган Термиз ҳайвонот боғи бугун жар ёқасида. Нима учун? Бу ҳақли саволга жавоб топиш унчалик қийин эмас. Чунки ҳайвонот боғини айланиб кўрадиган бўлсангиз, бу ерда зўрға жон сақлаб турган турли ҳайвонлар, ноёб жониворлару қушларнинг аҳволини кўриб ачинасиз. Улар бир неча кунлаб оч қолиб кетишади. Озиқ-овқат, ем-хашак билан таъминлашнинг иложи йўқ. Етарли маблағ ажратилмаётганлиги сабабли ҳайвонот боғи кундан-кунга ҳаробага айланиб бормоқда. Йўл ва йўлакчалар ўйдим-чуқур, жониворлар сақланаётган сим тўрлар, махсус хоналар ўз муддатини ўтаб бўлган. Занглаб, тўкилиб етибди. Бетон устунлари қийшайиб, айримлари энгашиб қолган. Бир пайтлар сувга тўлиб турадиган ҳовузларга сув келмаганига ҳам анча йиллар бўлиб кетган. Шу туфайли жониворлар, қушлар пақирда сув ташиб суғорилмоқда. Энди ёз ойларида ярим сувда яшовчи жониворларнинг Термиз иссиғида қандай жон сақлашини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Қандай даҳшатли манзара...

Хўш, бундай ачинарли аҳволдан тегишли идоралар раҳбарларининг хабари бормикан, деган ҳақли савол туғилади. Ҳайвонот боғи директори Худойберди Маҳмудов бу саволга «ҳа» деб жавоб бериши тайин. У ҳайвонот боғи муаммолари ҳақида шундай деди:

– Очиғи, бундан 5-10 йил олдин бизнинг олдимизга тушадиган ҳайвонот боғи йўқ деса бўларди. Лекин кейинги йилларда негадир бу соҳага эътибор бутунлай сусайди. Аввалларидан боғимизни камида 40-50 ташкилот ўз оталиғига олиб, барча ишларимизга ёрдам беришарди. Турли вилоятларга, ҳатто қўшни Тожикистон, Туркманистон Республикаларига кўчма томошалар ташкил қилинарди. Институтлардан олимлар, илмий ходимлар келишиб, тадқиқотлар ўтказишарди. Ҳозир эса... Бир неча йилдан буён ҳайвонот боғининг бугунги аянчли аҳволи ҳақида тегишли ташкилотларга ёрдам сураб мурожаат қиламан. Афсуски, фойдаси бўлмаяпти. Ўтган йилнинг ўзида вилоят ва Термиз шаҳар ҳокимлигига, маданият ишлари бошқармаси раҳбарларига уч марта ёзма равишда чиқдим. Ҳаттоки, тегишли қарор ва ҳужжатларни ҳам тайёрладик. Лекин негадир бу ҳужжатларга вилоят ҳокимининг имзо чеккиси келмади. Хуллас, бор отангга, бор онанггадан нарига ўтолмаяпмиз...

Аввалларидан бу ерга томошабинлар оқиб келишарди. Бир йилда ўртача ярим миллион табиат шайдолари ҳайвонот боғида гўзалликлардан баҳра олишарди. Энди эса томошабинлар сони ҳам бармоқ билан санарли бўлиб қолган. Бир келган мухлис, бу ердаги шароитни кўриб, иккинчи қайта келмайди.

Ҳайвонот боғининг жайронхона бўлимида 30 гектар ер бор. Лекин ундан фойдаланишнинг иложи бўлмаяпти. Чунки сўнгги ўн йилликда маблағ йўқлиги туфайли умуман янги техника олинмаган. Бунинг устига ҳайвонот боғи 7-8 йилдан буён ёқилғи таъминотидан маҳрум.

— Жайронхонадан шахсий машинамда ем-хашак ташийман, — деб сўзини давом эттиради директор. — Тўғрисини айтсам, биридан хашак, биридан кепак, яна биридан ёқилғи сўраб, таниш-билиш, ошна-оғайниларнинг ҳам жонига тегиб кетдим. Бошқа иложим қанча? Ҳайвонлару қушларга «бироз шошмай турингларр, ҳокимликдагилар сизларнинг масалаларингни кўришмоқчи», деб бўлмаса. Шундай деганимиз билан жонивори қурмағурлар чўзилиб-чўзилиб ўлиб қолишяпти. Яккаю-ягона филимиз бор эди. У ҳам инсультдан ўлди! 1996 йилнинг 8 декабрь куни йўлбарсимиз қафасдан чиқиб кетди. Уни қайта қафасга солгунча, аламимиз олти бўлди. Ҳайрият, ҳеч кимга зиён-заҳмат етмади. Яна шундай ҳолат такрорланмайди, деб ким айта олади?!

Кўз ўнгимизда тутдек тўкилаётган Термиз ҳайвонот боғи ҳақида маҳаллий матбуотда, радио ва телевиденида бир қатор чиқишлар қилинди. Аммо бирор ўзгариш бўлгани йўқ. **Яқинда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирди. Ушбу қонуннинг 3-моддасида шундай дейилган: «Ҳайвонот дунёси давлат мулки -- умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш лозим ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади».**

Инқирозга юз тутган Термиз ҳайвонот боғи – табиатимизнинг энг ноёб бойлигини ким асраб қолади? Уни қайси йўл билан бу мушкул аҳволдан қутқариш мумкин? Бир пайтлар маълум ва машҳур бўлган бу маскан яна ўз шуҳратини тиклай оладими? Нима қилсак бу ердаги она табиатимизнинг ноёб мўъжизаларини асраб қоламиз?!

Чори ЖУМАҚУЛОВ,
журналист

Яқинда халқаро Амир Темур хайрия жамғармасида Соҳибқиронинг таваллуд кунига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда жамғарма раиси, академик Бўрибой Аҳмедов, ЎзФА мухбир аъзоси Абдуқодир Ҳайитметов, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Ҳалим Бобоев, филология фанлари доктори Ориф Усмонов, тарих фанлари номзоди Турғун Файзиев, филология фанлари номзодлари Дилором Юсупова, Убайдулла Уватов ва бошқалар иштирок этдилар. Давра суҳбатини академик Бўрибой Аҳмедов бошқарди. Қуйида шу давра суҳбати баённини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Бўрибой Аҳмедов: — Амир Темурнинг тарих олдидаги хизматлари жуда катта. Биз бу ҳақда кўп гапирганмиз. Шундай бўлса ҳам яна бир бор эсингизга соламан. У, биринчидан, Мовароуннаҳрни 150 йил давом этган мўғул босқинчилари зулмидан озод қилиб, мамлакатни бирлаштирди ва марказлашган, бутун дунё тан олган давлатга асос солди. Иккинчидан, қирқ йил давом этган мустаҳкам тинчликни таъминлади. Бунинг натижасида деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожлантирилди. Учинчидан, жаҳонга донги кетган йирик шаҳарлар, масжид-мадрасалар, карвонсаройлар, қурдирди. Илм-фан, маориф ва маданият ривож топди. Тўртинчидан, Россияни мўғуллар зулмидан, Болқон ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларни Усмонли турклар тарафидан истило этилиши хавфидан асраб қолди. Бешинчидан, Чингизхон хуружидан кейин Яқин Шарқ ва Узоқ Шарқ халқлари ўртасида узилиб қолган савдо ва маданий алоқаларни, яъни Буюк Ипак йўлини қайта тиклади.

Бугун биз ҳазрат Соҳибқиронинг инсоний фазилатлари, ижтимоий-сиёсий фаолиятининг кам тилга олинган қирралари ҳақида суҳбатлашсак.

Ҳалимжон, сиз Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатини яхши ўргангансиз.

Ҳ.Бобоев: Амир Темур Туркистонда ўзбек миллий давлатчилиги тарихида марказлашган кучли давлат қуришга ва қонунлар тизимини яратишга муваффақ бўлди.

Амир Темур барпо этган давлат ўзининг айрим хусусиятлари билан Шарқда машҳур бўлган, якка ҳокимликка асосланган монархия давлатларидан фарқли, ўзига хос давлат бўлган. Бошқача қилиб айтганда, у бошқарувнинг темурийлар даврига мос шаклини яратди. Унинг давлати қонун ва тузукка қурилган, идора этилган давлат эди.

Қонунлар масаласида Амир Темур ўз халқининг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини асрлар давомида шакллантирган шариат қонунлари тизимини қўллади. Унинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларига асосланган ҳолда давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширди. Темурийлар давлатида мактаб ва мадрасаларда ҳуқуқ илмининг соҳаларидан илм ал-фиқҳ, ат-тафсир -- Қуръон тафсири, илм ал-ҳадис, илм ал-қалам, илм ал-фарз, илм ал-усул кабилар ўқитилди ва ривожлантирилди.

Амир Темурнинг ҳуқуқшунослик илмининг ривожланишидаги қўшган хизмати -- бу унинг «Тузуклар»идир. Соҳибқирон замон ва миллат манфаатлари ва шароитларини назарда тутган ҳолда шариат қонунлари тизимига қўшимча сифатида ўзининг «Тузук»ларини ишлаб чиқди: «Тузуклар»да мамлакат 12 тоифага бўлинишини ва 12 тамойилга асосан идора қилинишини белгилади.

Амир Темурнинг «Тузуклар»ида келтирилган 12 тамойил унинг давлати қурилиши ва идора қилиниши ўзига хос шаклда эканлигини кўрсатувчи белгилардан биридир. У ўз тамойилларида мустаҳкам давлат интизоми ва қонуннинг устуворлиги принципларини яратибгина қолмасдан, уларни амалга оширишда нафақат замондошларига, балки бизларга ҳам ўрнак бўладиган давлат арбобидир. У қонунларга риоя қилишни ўз давлатида шу қадар жиддий қўйган эдики, қонунни бузганлиги учун энг юқори лавозимдаги мансабдорларни, ҳатто ўзининг энг суюкли фарзандларини ҳам аямаганлигини биз тарихдан яхши биламиз.

Давлат қурилиши ва идора этилиши қонунларга, тузукка, принципларга қатъий асосланиши ҳамда маслаҳат, кенгаш билан иш юритиши Амир Темурнинг ўрта асрларда дунёдаги энг машҳур шоҳ сифатида юксакликка кўтарилишига сабаб бўлди.

Б.Аҳмедов: -- Амир Темур характерида қаттиққўллик билан бир қаторда меҳр-шафқат, адолат, мурувват ва жўмардлик хислатлари ҳам бор эди. У кеча ўзига қарши қилич кўтариб, кейин узр сўраб келганларни кечирар, яхши хизматларга тайинлар эди. Шу ҳақда сизнинг (Турғун Файзиевга мурожаат) фикрингизни билмоқчи эдик.

Т.Файзиев: — Амир Темур тарихини ёритган барча манбаларда, Соҳибқиронинг мижозида жўмардлик хислатлари борлигидан далолат берувчи воқеа ва саргузаштлар кўплаб учрайди.

Дарвоқе, Соҳибқирон ўзининг «Тузуклар»ида шундай ёзади:

1

ҲУРЛИК ҚУЁШИ

Оқсаройдан пешвоз чиқиб келгандек,
Салобатли қоматини тутиб тик,
«Истиқлол муборак, элим!» дегандек,
Юртдошларга боқиб турар Темурбек.

Етти иқлим билар Соҳибқиронни,
Жаҳонгир бешиги -- буюк Туронни,
Тарих унутолмас бундайин онни,
Юртдошларга боқиб турар Темурбек.

Халқ, Ватан ёшариб борар кундан кун,
Буюк саркардага Ватан бўлган-чун,
«Куч адолатда! Билинг рост сўзим» --
Юртдошларга боқиб турар Темурбек.

«Авлодимдан чиқди жасур юртбоши,
Турон узра порлар ҳурлик қуёши.
Истиқлол абадий, халқим» дегандек,
Юртдошларга боқиб турар Темурбек.

Абдулла АЙИЗОВ

«Амир Ҳусайн менга асир тушгандан сўнг унинг навкарлари ва амирлари «энди бизни ўлдиради» деб гумон қилган эдилар. Гарчанд, аввалига ниятим уларни ўлдириш бўлган бўлса ҳам, кейинроқ «ахир улар аскарлар-ку» деб авф этдим ва яна аскарлик ишларига тайинладим. Бадахшонда ҳоким бўлмиш (Ҳусайн аскарларининг бош амири, амир ул-умаро) кўп маротаба жангда мен билан юзма-юз келиб, қилич чопишган киши эди. Амир Ҳусайн қатл этилганини эшитгач, менинг қаҳримдан қўрқиб ўзини сергак тутди. Мен эса ўзимни уни унутган кишидай тутдим ва қуйидаги тадбирни қўлладим: мажлисларда, йиғин-ўтиришларда уни яхши сўзлар билан ёд этиб, мардлиги ва баҳодирлигини мақтадим, токи дўстлари: «Амир сенга нисбатан марҳамат ва иноят мақомида турибди» деб унга хат ёздилар. У зорланиб менга мактуб юборди ва иноятқ марҳаматимдан умидвор бўлиб, менинг паноҳимга келди».

Соҳибқироннинг юқоридаги йўл-йўриқлари фақат унинг авлодлари учунгина дастуриламал бўлиб қолмай, балки ўзи учун ҳам қонун тусига кирган одат эди. Мисол учун биргина Тўхтамишхон воқеасини эслайлик. 1376 йили Оқ Ўрданинг ҳукмдори Ўрусхон Олтин Ўрдага қарши ҳарбий юриш қилди. Мазкур юришда Мангишлоқ (Мингқишлоқ) ҳокими Тўйҳўжа Ўғлон қатнашишдан бош тортади. Бундан ғазабланган Ўрусхон Тўйҳўжа Ўғлонни қатл эттиради. Тўйҳўжа Ўғлоннинг 16 ёшли ўғли Тўхтамишхон паноҳ истаб Амир Темур ҳузурига келади. Соҳибқирон Тўхтамишхонга оталарча мурувват кўрсатиб, аввал Оқ Ўрдага (Ўрусхонни жангда қатл эттиргач), кейинчалик Олтин Ўрда тахтига ўтқазади. Аммо Тўхтамишхон Олтин Ўрданинг қудратли ҳукмдорига айлангач, кўрнамаклик қилиб, ўз валинеъмати Амир Темурга бир неча бор панд бериб, Хоразм ва Мовароуннаҳрга босқин қилиб, шаҳар ва қишлоқларни талайди. Соҳибқирон Тўхтамишхоннинг қилган гуноҳларини ёшликка йўйиб, бир неча марта кечиради.

Б.Аҳмедов: Амир Темур ва Темурийлар даврида маориф ва таълим қай даражада эди? Сиз (Д. Юсуповага мурожаат қилади) ўша даврда ёзилган кўп тарихий асарлар, хусусан, Мирхонд ва Хондамир асарларини синчиклаб ўқигансиз. Шу асарларда бу хусусда қандай маълумотлар бор? Хусусан, мадрасаларда дунёвий илмлардан қайсилари ўқитилган?

Д. Юсупова: Марказий Осиё халқларининг маънавий равнақи Амир Темур номи билан чамбарчас боғлиқдир. Йирик марказлашган давлат тузилиши, унинг иқтисодий имкониятлари ўсиб бориши билан, фан ва маориф, маданият ва санъат ривожланишига қулай имкониятлар яратди.

Фан ва маданиятнинг юксак даражада ривожланиши мамлакатга юқори даражали кадрларни тайёрлаб бера оладиган олий мактаб фаолиятини кенгайтириш талабини ўртага ташлади. Мовароуннаҳр ва Хуросонда жуда кўп мадрасалар мавжуд эди. Улар, асосан, давлат ва бадавлат шахсларнинг маблағларига қурилган эди.

Ўша давр мадрасалари энг аввал диний таълимни касб этардилар. Лекин, илоҳиёт билан бир қаторда дунёвий фанлардан -- қонуншунослик, мантиқ, риёзиёт, астраномия, тиббиёт, тарих, жуғрофия, адабиёт, араб тили, морфологиядан ҳам дарслар ўтиларди. Мадрасани битириб чиққан талабаларнинг ичидан энг қобилиятлилар орасида танлов синовини ўтказиб, турли соҳалардан энг етуклари ажратилиб, мударрислик лавозимига тайинланардилар.

Б.Аҳмедов: Амир Темур санъатнинг кўп турлари (миниатюра, архитектура, халқ амалий санъати)ни жуда севарди. Шу билан бир қаторда адабиётга ҳам иштиёқи баланд эди. Сиз, Абдуқодир ака, шу давр адабиётининг ушбу томонлари ҳақида маълумот берсангиз.

А. Ҳайитметов: -- Дарҳақиқат, Амир Темур фан кишиларини, санъатнинг кўп турларини қаттиқ севиш билан бирга, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, адабиётни ҳам севар, том маънода назм ва наср шайдоси эди. Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида ёзишича, у ўзи шеър ёзмаса ҳам, аммо ўз даври ва қадимда ўтган шоирларнинг асарларидан тинглаб, байтларини ёд олган, анжуманларда уларни катта завқ-шавқ билан ўқир экан ва у ўқиган шеърлар суҳбатларни узукка кўз қўйгандек безар экан. Масалан, замондошлари гувоҳлик беришича, у машҳур Ҳофиз Шерозий ижодидан яхши хабардор бўлган. Навоий унинг шахсиятидаги бу фазилати тўғрисида катта мамнуният билан: «...назм ва насрни андоқ ҳўб маҳал ва мавқеъда ўқибдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор», деб ёзган эди.

Амир Темур даврига қадар ўзбек адабиётидаги энг катта ижодкор Аҳмад Яссавий эди. Соҳибқироннинг унга бўлган меҳр-муҳаббати, эътиқоди ҳам чексиз бўлган. 1396-1397 йилларда Амир Темур Яссида бўлар экан, улуғ шоир мозори устига жуда катта гумбаз қуришга фармон берган. Шахсан ўзи бу қурилиш боришини кузатиб турган. Бу ноёб архитектура ёдгорлиги шунинг учун ҳам жуда қисқа бир муддатда амалга оширилган.

Бинобарин, Аҳмад Яссавий мозорига ясалган буюк обида унинг шеъриятига ҳам қўйилган ўлмас ёдгорликдир. Амир Темур фаолиятида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

О. Усмонов: -- Домла, сиз тўғри айтдингиз, ҳазрат Соҳибқироннинг илм-маърифатга рағбати катта бўлган. Олимлар ва шоирларни қадрлаган, уларнинг ишларига раҳнамолик қилган. Шу билан бирга «Тузуклар»да жуда тўғри айтилганидек, унинг ислом дини ва тариқат етакчиларига бўлган ҳурмат ва эътибори ҳам катта эди. Ишларида улар билан доимо маслаҳатлашиб турарди.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг Амир Темурга лутфу иноятн ҳақида бир ривоятда Соҳибқироннинг ўз оғзидан шундай деб ҳикоя қилинади: «Рум дорилмулкига юриш этмоқ учун аввало ҳазрати Шайх Яссавий мақоматидан ўтдим, ўшал муқаддас масканни зиёрат қилдим. Шайх менга башорат қилиб, дедиларким, ҳар вақт бошингга бирор мушкулот тушса, мана бул рубоийини ўқурсан:

«Ялдо кечани шамъи шабистон эттан,
Бир лаҳзада оламни гулистон эттан.
Бас, мушкул ишим тушибдур, осон эткил,
Эй, барчани мушкулини осон эттан!»

Мен бул рубоийни ёд олдим. Рум лашкарига рўбару келишдан олдин мазкур рубоийни етмиш маротаба ўқидим. Зафар ҳосил ўлди».

Б.Аҳмедов: — Убайдулла яқинда сизнинг « Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида» деган яхши бир китобингиз нашрдан чиқди. Баъзи тарихчилар, хусусан, шўролар даврида ўтган баъзи рус тарихчилари «араблар Амир Темурни кўпам яхши кўрмайди» деб даъво қиладилар. Шу тўғрими?

У.Уватов: Баъзи доираларда шу зайлдаги фикрлар мавжуд бўлсада, лекин ўша даврда яратилган ёзма манбалар ва шу манбаларга таяниб, араб олимлари томонидан ёзилган замонавий тадқиқотларда Амир Темур ва темурийлар тарихининг турли қирраларига бағишланган жуда кўплаб қимматли маълумотларни учратамиз.

Мана шу тарздаги маълумотлар араб муаллифларидан Ибн Халдун, Ибн Дуқмоқ, Ас-Суютий, Ал-Қалқашандий, Ас-Саховий, Бадриддин ал-Айний, Ибн-Ийос, Ибн-Тағриберди, Ибн-Ҳажар, Ал-Асқалоний ва бошқаларнинг тарихий асарларида келтирилади. Сиз тилга олган «Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида» номли рисоламизда айни шу масалага алоҳида эътиборни қараттанмиз.

Бунёдкорлик, ободончилик ишларига Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари алоҳида эътибор билан қараганлар. Ёзма манбаларда Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида қурилган иморатлар, обидалар ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Шу муносабат билан ҳарбий тарих бўйича етук олим, истеъфодаги полковник Муҳаммад Асадуллоҳ Сафонинг «Темур» номли илмий-оммабоп асарида ёзма манбаларга таяниб, қуйидаги маълумотлар келтирилади:

«Бағдод ҳокими Султон Аҳмад Амир Темур ҳақида маълумотлар келтириш учун ўз жосусларини Самарқандга жўнатган эди. Бир қанча муддат ўттач, улар Самарқанддан ҳайратомуз маълумотлар билан қайтиб Султон Аҳмадга: Э, ҳазратим! Самарқандда кўзимиз билан кўрганларимизга ўзимизнинг ҳам ишонишимиз қийин. Чунки, у бутунлай илгариги Самарқандга ўхшамайди. Шаҳар ҳозир мовий гумбазлару беҳад мармарлардан бунёд этилган шаҳарга айланган. Биз ўзимиз Соҳибқирон қурувчиларини бир сарой қурилишидаги ишларини кўриб гувоҳи бўлдик. Амир ҳазратлари бинокорларнинг ишларидан норози бўлиб, уни қабул қилмадилар. Ва ўша иморатни пойдевори билан буздириб ташладилар. Сўнгра эса, ҳар куни отига миниб келиб, 20 кун давомида саройни батамом қайтадан қурдирдилар. Биз кўрганга Оллоҳ шоҳид, ҳеч ақл бовар қилмаган маҳобатли бу қасрни 20 кун давомида қайтадан қурдириб, унинг охирги тошини ҳам, равоқини ҳам, ҳатто қуббалардаги сайқални ҳам ҳамма-ҳаммасини шу 20 кун давомида мукаммал тугатдилар. Қасрнинг равоқи 24 (рамқ) газ бўлиб, унинг энига эллик киши саф тортса ҳам жойлашади», дедилар.

Б.Аҳмедов: — Темур ва темурийлар даври 468 йилни ўз ичига олади. Бу жуда катта давр. Бахтга қарши бу катта тарихни ўрганиш, эндигина -- миллий мустақиллигимиз қўлга киритилгандан кейин бошланди. Улуғбек ва ҳазрат Соҳибқироннинг юбилейлари муносабати билан мамлакатимизда бу борада анча-мунча ишлар амалга оширилди.

Бироқ, яна шуни ҳам айтиш керакки, Амир Темур ва темурийлар номи билан боғлиқ кўпгина шаҳар ва қишлоқлар, хусусан Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Бухоро, Ахсикент, Шоҳрухия ва бошқа шаҳарлар археологик жиҳатдан чуқур ўрганилиши зарур. Демак, ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Давра суҳбатини Малик МАНСУР ёзиб олди

2 3 4

МАНГУ БАРҲАЁТ СИЙМО

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

Менда таклиф бор

ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛСА

Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли ўзбек халқининг миллий қаҳрамонларидан биридир. У бутун умри мобайнида шу муқаддас юрт мустақиллиги учун курашди. XIX аср охири XX аср бошида жадидчилик ҳаракатининг маънавий отаси Мунаввар Қори ўз ташаббуси билан ўша даврда бир қанча олий ўқув юртлар очди, газеталар ташкил этди, ёшларни чет элларга таълим олишга жўнатди ва янги дунёқарашнинг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Мунаввар Қори бу йил 120 ёшга тўлади. Унинг юбилейи нишонланса нур устига аъло нур бўларди. Негаки, у ўша совет тузуми даврида ҳам қаттиқ қаршиликларга қарамасдан эрк учун курашга интилди. «Миллий истиқлол» ҳамда «Миллий иттиҳод» ҳаракатларига раҳбарлик қилиб, халқи учун бутун куч-ғайратини сарфлади. Ва шу йўлда ҳалок бўлди.

Ҳа, у кишининг ватанпарварликка йўғрилган фаолиятини ҳозирги авлодга ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Шу билан бир қаторда Тошкентда у зотнинг ҳайкаллари ўрнатилса, ёш авлод ҳайкал қошида аждоди билан фахрланиш ҳиссини туярмиди?

Қ. ШЕРОВ,
ТошДУ талабаси.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«НОН БОЗОРИ ҚАЙДАДИР?»

Шайхонтоҳур тумани ҳокими ижроия маҳкамаси шу йил 10 мартда «Узбекистон овози» рўзномасида чоп этилган «Нон бозори қайдадир?» сарлавҳали мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида 10.03.98 йилда туман ҳокими «Тошбозорсавдо» уюшмаси масъул ходимлари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказиб, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқди. «Эски жўва» бозорида нон билан савдо қилиш учун 150 та махсус жой ажратилди, шунингдек метродан чиқиш жойида 60 та қўшимча махсус нон сотиш расталарини қуриш режалаштирилди. Нон маҳсулотлари билан савдо қилаётган шахслар махсус кийимлар билан таъминланган.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни келиб чиқишига йўл қўйганлиги, нон савдосини тўғри ташкил этмаганлиги учун «Эски жўва» бозори маъмурияти томонидан нон расталари назоратчиси З.Ахроров вазифасидан бир ой муддатга четлаштирилди ва паст лавозимга ўтказилди. Туман солиқ инспекцияси, СЭС раҳбарияти ва ИИБ таянч пунктига «Эски жўва» бозори ҳудудида фақат рухсат этилган жойда санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда нон билан савдо қилиш устидан назоратни кучайтириш топширилди.

Туман ҳокими биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи
А.ЭРГАШЕВ

САХОВАТ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани Чимбой кўчасидаги 100-мактаб-интернатда ногирон болалар таълим олишади. Билим даргоҳи замонавий бинода жойлашган. Мактаб-интернат директори Муқаддас Мираҳмедованинг ҳикоя қилишича, пойтахтдаги хорижий фирмалар оталиқ ёрдамини кўрсатмоқда. Шулардан бири Туркия Жумҳуриятининг «Акатекс» фирмасидир. Корхона жамоаси интернатда бўлиб ўқувчиларнинг билим олишини яхшилаш мақсадида бир қатор юмушларни бажарди. Лингафон синф хоналари таъмирланди.

Энг муҳими «Ай Би М» маркали 7 та компьютер, 2 та тикув машинаси, 4 та магнитафон, рангли телевизорлар, дазмоллаш столлари, болаларга 227 жуфт оёқ кийимлари хайрия тариқасида совға этилди.

Ўқувчилар ва педогоглар «Акатекс» ҳимматидан ғоят мамнун бўлишди.

Абдулла ПЎЛАТОВ
Суратларда: 100-мактаб-интернатда машғулот пайти
Рустам ШАРИПОВ олган суратлар.

ҚАЛБАКИ ҲУЖЖАТЛАР ВА УСТАСИ ФАРАНГЛАР

Бу дунёда ҳар хил ишқибозлик бўларкан. Кимдир шоҳмотга, нардга, яна кимдир дарёнинг лабида туриб балиқ тутишга ишқибоз. Ҳатто мунтазам равишда гўзалларнинг суратларини қидириб топиб, йиғиб юрувчилар ҳам бор экан. Яна... Эшберди Махманазаровнинг «ишқи» эса ҳаром пул топишга тушиб қолди. У Чироқчи туманидаги Охунбобоев номли жамоа-ширкат хўжалигида хазиначи бўлиб ишлаб келган. Шу қисқа вақт мобоайнида ўзгаларнинг ўзига ишониб топширилган 590680 сўмини ўзлаштириб, талон-торож қилган. Қандай қилиб дейсизми?

Э.Махманазаров дастлаб жавобгарлигидаги 41 та пул тарқатиш «ведомост»ларини тузади ва унда ошиқча жамлаш йўли билан 15116 сўмни касса ҳисоботига чиқим қилиб шахсий манфаати йўлида фойдаланади. 1995 йилнинг август ойида хўжалик бош ҳисобчиси Мусурмон Чоршанбиев билан «ҳамкорликда» шу хўжаликда бригада бошлиғи бўлиб ишловчи А.Жабборов номига 10000 сўмлик тўлов «ведомост»и тузиб пулни ўзлаштирилган ва жиноятни яшириш мақсадида 10000 сўмлик қалбаки ҳужжатни йўқотиб юборган ҳам шу одам.

Махманазаров шу билан кифоялангандир деб ўйларсиз? Қайда. Унинг асосий «фаолияти» шундан сўнг бошланди. Тез орада ўзига янги ҳамтовоқлар ҳам топиб олди. Уларнинг ёрдамида жуда кўп миқдорда ўзгаларнинг мулкини талон-торож қилади. Жумладан, 1995 йилнинг пахта мавсумида тумандаги Ш.Шойимов номли ўрта мактаб ўқитувчиларига

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ

раҳбарлик қилган ўқитувчи Мейли Махманов ҳамда пахта йиғим-теримига жалб қилинган туман СЭС жамоасига раҳбарлик қилган Сафар Эшмуродовлар билан тил бириктириб териб олинмаган пахтани «терилди» ҳисобига киргизиб, сохта маълумотнома ва далолатномалар асосида ёрдамчиларнинг 55315 сўм пешона терини ўртада «арра» қилишди.

Э.Махманазаровнинг бу устамонликлари борган сари «тараққий» этди. Энди унча-мунчалар унинг нафсини қондира олмади, томоғига урвоқ ҳам бўлмади. Шу сабаб ҳаммаслаги, хўжалик бош ҳисобчиси М.Чоршанбиевнинг раҳнамолигида ҳеч иккиланмасдан хўжалик кассасига фуқаролардан тушган тушумлар, тўланиши лозим бўлган ҳар хил тўловлар ва банкдан олинган жами 71250 сўмни хўжалик хазинасига кирим қилмасдан жиғилдонга уради. Жумладан, «Ким ошди» савдоси томонидан хўжаликнинг эски маъмурий биносини сотиб олган Суюн Жовлиев тўлаган 56 минг сўмни, хўжалик таъминотчиси томонидан топширилган 8500 сўм, ижарачилар Бахтиёр Хўжамияров, Ражабов, Отақул Ботиров, Бегмат Ортиқовлар тўлаган 5450 сўм ижара ҳақини касса ҳисобига кирим қилмайди.

Бундан ташқари, Э.Махманазаров хўжалик бош ҳисобчиси М.Чоршанбиев имзо қўйган А 18629225 сонли чек асосида туман пахта банкидан олинган 10 минг сўмни, сал кейинроқ эса И 7 № 722733 сонли чек асосида олинган 65 минг сўмнинг хазинага кирим қилиб қолинмаган 15 минг сўмини бош ҳисобчи билан биргаликда ўзлаштиради.

Аслида бизни ҳайратга солган бу рақамлар ҳали ҳолва эди. У жиноий ҳаракатларини шундан сўнг ҳам давом эттирди. Октябрь ойи ҳисобот ҳужжатларига Улуғбек, Шуҳрат Холмирзаев ҳамда Мавжуда, Феруза Холмирзаевалар номига ёзилган 5500 сўмлик далолатномани қалбакилаштириб ўзига олган. Яна шу орада хўжалик ишчи ва хизматчиларига қонуний тарқатилиши керак бўлган 408877 сўм иш ҳақини тарқатмасдан талон-торож қилган.

Э.Махманазаров ва унинг шериклари юқорида қайд этилган жиноятларни «из қолдирмаймиз» деган кайфиятда содир этган бўлсалар ажаб эмас. Бироқ, қорлар ёғса ҳам излар учмади.

Мусо ШАРИПОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия кичик маслаҳатчиси.
Илҳом КАРОМОВ

ФАРҒОНИЙ ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Фарғона вилоятида буюк ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига тайёргарлик ишлари бормоқда. Яқинда шу тайёргарлик доирасида Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг ташаббуси билан вилоят миқёсида уч кунлик илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман дастурига мувофиқ фалсафа фанлари доктори О. Файзуллаев, филология фанлари доктори Ф. Сулаймонова ва фалсафа фанлари номзоди М. Қодировлар Фарғона ва Қўқон шаҳарлари, Қува туманида бўлиб олимлар, олий ўқув юртлари талабалари, ХДП фаоллари, меҳнат жамоалари вакиллари билан учрашдилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«МАМЛАКАТИНГИЗНИНГ «ОСИЁ ЙЎЛБАРСИ» БЎЛИШИГА ИШОНАМАН»

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг бир гуруҳ талабалари Япониянинг «Сумитомо корпорейшн» фирмаси стипендиясини олишга муваффақ бўлишди. Мазкур фирма фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида фирманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мицугу Томито билан суҳбатлашдик.

Ўзбекистон ва жаҳон

— Республикамиз билан «Сумитомо корпорейшн» ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилишига нималар туртки бўлди?

— 1994 йил июнь ойида «Сумитомо корпорейшн» Тошкентда ўз ваколатхонасини очди ва ишлаб чиқаришни, саноат ҳамда савдо-сотиқни ривожлантиришга бел боғлади. Бугунги кунда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— «Сумитомо корпорейшн» кўп тармоқли фирмаси ҳақида қисқача гапириб ўтсангиз?

— «Сумитомо корпорейшн» Кўп тармоқли фирмамиз дунёда ўз ўрнини топиб, эндиликда йилдан йилга юксалмоқда. Ҳозирда юртимиз билан ҳам иқтисодиёт жабҳасида истиқболли тадбирлар ишлаб чиқмоқдамиз.

— Нега айнан Тошкент вилояти Бектемир туманида саноат минтақаси барпо этилмоқда? Бу минтақанинг келажаги қандай?

– Бектемир тумани авваламбор инфраструктура ва қулай шарт-шароитларга эга. Шуни эътиборга олиб, бу ҳудуддаги 200 гектар майдонда саноат минтақаси барпо этишга киришдик. Ҳисоб-китобларга қараганда, саноат минтақаси 50 ёки 80 та завод, фабрикадан ташкил топади. Иш билан банд меҳнат ресурслари сони эса 25 минг нафарга етади. Маълум бўлишича ушбу ишларга 1-1,5 млрд. доллар миқдоридаги инвестиция сарф қилинади. Шуниси ҳам борки, саноат минтақасининг келажаги порлоқ. Бу бизнинг Индонезиядаги Шимолий Жакарта саноат минтақаси барпо этишдаги тажрибамиздан маълум. Бу минтақа айни пайтда тараққий этиб, 80 фоиз ўз маҳсулотини экспорт қилмоқда. Шимолий Жакарта саноат минтақаси ўз ичида 63 йирик компанияни бириктиради. 30 минг нафар киши эса мазкур компанияларда ишламоқда. Ушбу минтақа учун 2 млрд. АҚШ доллари ўтказилди. Минтақа босқичма-босқич бунёд этилди. Фирма даставвал инфраструктура қуриб, 1992-1995 йилларда эса қурилиш ишлари билан шуғулланди. Турт йил ўтар-ўтмас муваффақияларимиз яққол кўзга ташланиб қолди.

— Маълумки, фирма республика таълим-тарбия тизимига ҳомийлик кўрсатмоқда. Бундан мақсад нима?

– Ҳа, бугунги кунда «Сумитомо корпорейшн» Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг иқтидорли талабаларига мунтазам ўз степендияларини бериб келмоқда. Дарвоқе, фирма ҳисобидан 4 нафар ўзбек фуқароси Японияга бориб, малакасини ошириб қайтди.

Ҳозирги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкентда техника лицейи ҳамда Самарқандда ўрта мактаб қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

— «Сумитомо корпорейшн» Ўзбекистонда яна қандай ишларни амалга оширмоқда?

– Фирма Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларини модернизациялаштиришда иштирок этмоқда. Оз вақт ўтгандан сўнг вилоят тайёрагоҳлари ҳам жаҳондаги манаман деган аэропортлар билан бемалол беллаша олади. Аэропортларнинг замонавий тус олиб, жаҳон талабларига жавоб бера олишига шубҳа йўқ. Шу билан бирга «Шамбон» ва «Анкор» француз фирмалари билан ҳамкорликда Тошкентда уч юлдузли транзит меҳмонхона қурилиши бошланиш арафасида. Лойиҳа 1,5 млрд. доллар туради. Агарда бино қуриб битказилса, у ҳам албатта Тошкент кўркига кўрк қўшади.

Шу билан бир қаторда фирма Марказий Осиё мамлакатларида, биринчи навбатда Тошкент шаҳрида ер усти транспорти ривожи, божхона хизматини тезкорлаштириш, ортиб-туширишва дистрибютерлик операцияларини яхшилашга хизмат қиладиган «қуруқлик портлари»ни вужудга келтириш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Маълумки, жорий йил ЮНЕСКО томонидан Экология йили деб эълон қилинди. «Сумитомо корпорейшн» ҳам япон грантларига асосланиб, Чирчиқ шаҳрини ободонлаштириш ва тозалаш лойиҳасига кўра, махсус курсатма тайёрлайди.

Суратда: ваколатхона раҳбари Мицугу Томито ТошДУ талабаси Лола Соатовага фирма стипендиясини топширмоқда.

Шерхон ҚОРАЕВ суҳбатлашди.

Прага — қадимий диёр

ПРЕЗИДЕНТГА ДАЪВО АСОССИЗ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Федерал суд Президент Билл Клинтонга қарши Пола Жонс томонидан билдирилган даъвони асоссиз, деб топди. Яъни даъвогар Президентни судга бериш учун етарли ва ишончли далилларга эга эмас.

Пола Жонснинг «командаси» эса ҳамон уни «қаттиқ жабр кўрган аёл» сифатида «тасвирлар», мазкур масала қайта кўриб чиқилиши лозимлигини айтмоқда. Лекин адвокат Боб Бенет ўзининг икки юз саҳифалик асосномасида Поланинг даъвоси ҳақиқатдан йироқ экани ва Президентга «тазйиқ ўтказиб», турли сиёсий мақсадларга эришиш муддаосида уюштирилганини қатъий таъкидлаган, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси.

(Саҳифа материаллари УзА ва хорижий манбалар асосида тайёрланди).

Дунё ва адабиёт

Ўзбек адабиётига янги бир эпкин олиб кирган Лотин Америкаси адабиётини Борхессиз тасаввур этиш қийин. Шу аснода Лотин Америкаси адабиёти эътирофи - янги, ноанъанавийлик ибтидоси айнан Борхесдан бошланганини ҳам таъкидлаш жоиз. Борхес дунёси - ҳадсиз-чегарасиз коинот, хаёл, вақт ва лаҳзалар, мавжудлик ва абадийлик қарама-қаршиликлари, қолаверса, оддий тасодифлар замиридаги «илоҳийлик». У буларни шунчаки мўъжиза яратиш учун келтирмайди ёки илоҳни топишни мақсад қилиб қўймаган. Борхеснинг қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган ҳикоясида Оллоҳ образи анъанавий эмас, у фақатгина вақт ва макон тушунчаси ўртасидаги илоҳий куч-қудрат, холос.

Борхес таланти жиловланган, унинг асарлари эҳтирос ва туйғулардан йироқ. У шафқатсиз, совуққонлик билан қаламини йўналтира билади. Шунинг учун ҳам ўқувчи унинг ҳикояларида учрайдиган ғайритабиий ҳолатларга ишониш ёки ишончсизлик билан эмас, ақл кўзлари билан қараб, мушоҳада этишга мажбур.

Хорхе Луис БОРХЕС

СИРЛИ ТУҲФА

(Ҳикоя)

...Ва тангри уни юз йил йўқликка маҳв қилди, сўнгра тирилтириб суради: «Сен қанча бўлдинг?». У айтди: «бир, ва ё ярим кун»

(Қуръони Каримдан).

Тугалланмаган «Душманлар» драмасининг ва яҳудий қўлёзмалари талқини «Абадийлик раддияси» асарининг муаллифи прагалик Яромир Хладик 1939 йилнинг 14 март кечаси тушида узундан - узоқ шатранж ўйинини кўрди. Ғолиблик учун кураш одатдагидек эмас, балки икки уруғ ўртасида борар, ўйин асрлардан бери давом этаётган бўлиб, соврин қийматини ҳеч ким эслай олмасди. Фақат унинг беҳисоблиги ҳақидаги миш-мишлар бор эмиш, холос. Шатранж тахтаси ва доналари яширин бир қасрда сақланар, Яромир (тушида) ана шу рақобатлашаётган уруғларнинг бирига йўлбошчилик қилаётганди. Соат занглари ҳар бир юриш вақтини белгилар, у эса ўйин қоидаси ва доналар вазифасини зўр бериб эслашга ҳаракат қилганча саҳрода, ёмғир остида югуриб юрганмиш. Шу ерда Хладик уйғониб кетди: соат занглари мудҳиш садолари ва ёмғир шивири йўқолди. Кўчадан бақир - чақир буйруқлар ва бир маромдаги гулдурос шовқин эшитиларди. Учинчи империянинг зирҳли қўшинлари Прага тупроғига кириб келишаётганди. Орадан беш кун ўтибоқ, айғоқчилар Хладик ҳақида маълумот етказдилар. Ўша куни кечаси уни ҳибсга олишди. Қўйилган айбларни рад этиб бўлмасди: онаси томонидан фамилияси Ярославский, томирларида яҳудий қони оқади. У 1928 йилда Бём ҳақидаги яҳудийлаштириш ишларини Герман Барнефард нашриёти буюртмаси билан «Сефер Иецир»ни таржима қилган. Айнан шу таржима ҳозир Хладик тақдирини ҳал қилаётганди. У гестапочи Юлиус Рот қўлига тушиб қолди. Юлис Рот учун готик имлосида келтирилган бир нечта эҳтиросли жумлалар Хладик истеъдодини тан олган ҳолда, ғуноҳкорни (бошқаларга ўрнак бўлиши учун) ўлим жазосига лойиқ, деб топишга етарли бўлди. Ҳукм ижроси 29 март эрталаб соат 9 га белгиланди.

Олдинига Хладик фақат қўрқув ҳис этар, агар ҳукм осиш ёки бўғиш билан ижро этилганда бунчалик даҳшатга тушмаслиги мумкиндай туюларди. Бироқ отиш, унга қуникиш нақадар оғир...

У беҳуда ўлимнинг ўзигина қўрқинчли, унинг қандай содир этилиши эмас, дея таскин топишга уринар, лекин бу даҳшатларни бироз бўлсада унутиш учун тинимсиз тасаввур қилишдан чарчамасди. Тонггача чўзилган уйқусизликдан ўша ҳаёлидаги мудҳиш ҳукм ижросига қадар сон-саноқсиз ўлимларни бошдан кечирди. Хладик ҳукм ижроларини даҳшат билан (эҳтимол мардларча) қарши олар, ҳар бир тасаввур бир неча лаҳза давом этар, кейин эса у яна титраганча ҳақиқий – ўз ўлими бўсағасига қайтарди. Сўнгра у олдиндан қилинган хаёл, тасаввурлар одатда, ўша ҳақиқий вазиятга мос тушмаслигини кашф қилди ва шу ғайритабиий мантиққа асосланиб, барча тафсилотларни хаёлида тиклайверар экан, улар ҳақиқатда содир бўлмаслиги мумкин, деган хулосага келди.

Бу илоҳий ҳикматга бўйсуниб, ҳукм даҳшатларини йўққа чиқариш учун астойдил турли ваҳималарга зўр берди ва оқибатда барчасида қандайдир илоҳий учқунлар кўриш билан якунланарди. Кечалари оқиб ўтаётган вақт моҳиятида бироз бўлсада ушланиб қолишга интилар ва баногоҳ узининг айнан 29 чининг тонгига яқинлашганини англаб қоларди. «Ҳозир йигирма иккинчининг туни -- овоз чиқариб ўйлади у - ҳали бу тун (ва шу каби яна олти тун) давом этар экан мен ўлмас ва бешикастман». У тушларни мутлақо шунғиб кетиш мумкин бўлган чуқур сувга ўхшашлигини кашф қилди. Баъзан сабрсиз равишда ҳукм ижро этилишини истаб қолар, ҳеч бўлмаганда у унумсиз фикр хаёлларга барҳам берадику? 28-куни қуёшнинг сўнгги нурлари баланд панжараларда акс этар экан у ўзининг «Душманлар» драмасини эслаб, таҳқирли ўйлар исканжасидан бироз халос бўлди.

Хладикнинг ёши 40 дан ошаётганди. Бир нечта дўстларию, қўпгина одатларини ҳисобга олмаганда унинг ҳаётини асосан адабиёт ҳақидаги мунозарали машғулотлар банд этарди. Ёзган китоблари – Бём, Ибн Эзре ва Фладд ҳақидаги ишларида кўчирмачиликни, «Сефер Йецир» таржимасида эса лоқайдлик ва ноаниқликларни кўрар, булар эса ўзидан аччиқ бир қониқмаслик туйғусини уйғотарди. Фақат «Абадийлик раддияси»гина бир оз таскинли, унда борлиқнинг барча мавжудотларини вақтида ўлчаш мумкин, деган фикрлар қилиниб, инсон тажрибаларининг имконият кўринишлари чексиз эмаслиги ва вақтнинг алдов эканлигини англаш учун биргина «такрорланишини» ўзи кифоя, деб исбот қилинарди.

(Давоми бор).

ҲАРБИЙЛАР АФРИКАГА БОРИШАДИ

Канада мудофаа вазири Артур Эгглтоннинг баёнот беришича, Канада ҳукумати БМТ тинчликни сақлаш кучлари заҳирасида бўлган мамлакат ҳарбийларини Марказий Африка Республикасига жўнатишга қарор қилди.

45 кишилик бу гуруҳ жорий йилнинг 15 июлига қадар у ерда фаолият кўрсатаётган БМТ миссияси аъзолари хавфсизлигини таъминлаш билан бирга уларга ташкилий-техник кўмак беради. МАРда канадаликлардан ташқари 1350 кишилик, асосан, Африка давлатлари ҳарбийларидан иборат бўлган гуруҳ ҳам фаолият кўрсатмоқда. Улар Марказий Африка Республикаси хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланади. Маълумки, кейинги вақтда бу мамлакатда мухолиф сиёсий кучлар бир неча марта ҳарбий тўнтариш қилишга уринган эди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЎПАЙТИРИЛАДИ

Япония ташқи ишлар вазири матбуот котиби Садааки Нуматонинг хабар қилишича, Япония ҳукумати Сербия Республикасига кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамини кўпайтиради.

Шунингдек, у ўз мамлакати сербларга иқтисодий муаммоларни бартараф қилиш ва қочқинларни ўз ватанига қайтариш борасида ҳам ёрдам кўрсатишга тайёр эканини айтди. «Европа-Осиё» саммитида қатнашиш учун Лондонга келган Япония ташқи ишлар вазири Кэйдзо Обути шу мақсадда Сербия Республикаси Президенти Биляна Плавшин ва Бош вазири Милорад Додик билан учрашди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Сянган (Гонконг) билан Янги Зеландия ўртасида жиноятчиларни топшириш ва жиноий ишларнинг олдини олишда ўзаро ҳуқуқий кўмак бериш тўғрисида битим имзоланди.

Сянган шу вақтга қадар жаҳоннинг 11 мамлакати билан жиноятчиларни топшириш ва жиноятчиликнинг олдини олишда ўзаро ёрдам борасида битим имзолаган.

ЎРМОНЧИЛИКНИ АСРАШ УЧУН

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев мамлакат ўрмон хўжалигини асраш бўйича Швейцария дастури раҳбарлари билан учрашди. Маълумки, бу ташкилот аъзолари бир неча йилдан буён Қирғизистонда фаолият кўрсатмоқда. Учрашувда мамлакат ўрмон хўжалиги ишларини такомиллаштириш ва бу борада ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича томонлар ўзаро фикр алмашди. Швейцария томони бунинг учун Қирғизистонга сармоя ажратажагини маълум қилди.



Басрадаги қадимий Рим амфитеатри

БИРИНЧИ МАРТА УЗОҚҚА ЧЎЗИЛГАН СУД ЖАРАЁНИ

Франциянинг Бордо шаҳрида собиқ амалдор, францияликлар бошига кўпгина кулфатлар солган Морис Папон устидан ҳукм чиқариш учун суд маслаҳатчилари роса 19 соат давомида кенгаш ўтказишди. Лекин, ҳали якуний ҳукм чиқарилгани йўқ. Айбловчилар унга 20 йил қамоқ жазоси берилишини сўрашмоқда.

Маълумки, инсониятга қарши жиноятлар содир этганликда айбланаётган Морис Папон 1942—1944 йиллари Жиронда вилоятида бош котиб бўлган пайтида яҳудий миллатига мансуб минглаб одамларни машъум лагерларга жўнатган эди.

Маълум бўлишича, кейинги 50 йил ичида Франсияда ярим йилга қадар чўзилган бундай узоқ суд жараёни кузатилмаган экан. Бундан ҳам қизиқроғи, суд ҳукми ўқилган тақдирда ҳам айбдор тўппа-тўғри қамоқхонага жўнатилмайди. У кассацион тартибда судга мурожаат қилиб, ишни қайта кўриб чиқишларини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу эса ишни яна маълум муддатга чўзиши мумкин.

Рўёми-риёми?

ҒОЙИБДАН БИТИЛГАН «БИТИКЛАР»

Ўзга олам ҳақида кўп биламиз. Чунки кейинги пайтларда «ўзга олам»дан келган «келгиндилар», «ўлиб тирилганлар» ҳақида турли-туман миш-мишу, ҳақиқатга яқин воқеа-ҳодисаларни ўқиймиз, эшитамиз. Биров бунга ишонади, кимдир «бўлмаган гап» дея қўл силташи мумкин. Мен ҳар икки тоифа одамларниям ҳақ ё ноҳақ демоқчимасман.

Лекин саргузашталаб воқеа-да, деб қарамайман ҳам. Бундан 20 йилча илгари опам оламдан ўтди. Таъсирчан бўлганим учунми бу ўлимни ҳеч унутолмадимми ёки бошқа сабаб бормиди, тез-тез тушимга раҳматли опам кирарди. Бир куни кўп қаватли уйимизнинг йўлагида ҳалиям, аниқ-тиниқ эслайман, орқамдан кимдир исмимни айтиб чақирди: раҳматли опамнинг овози... Ўгирилдим, табиий, ҳеч ким йўқ эди. Қаттиқ руҳий толиқишдан шундай туюлди, шекилли, деб ўйладим. Орадан бироз вақт ўтгач, яна шундай ҳолат такрорланди. Кейин негадир «ўзга олам»дан жудаям қўрқадиган бўлиб қолдим. «Эҳтиёт бўл, яна ажина бўлмасин, чалиб кетади» деди кимдир. Кейин-кейин шунга ўхшаш воқеа-ҳодисалар ҳақида кўп ўқийдиган, маълумотлар тўплайдиган бўп қолдим. Баъзида ишонмасам-да, шундай қилаверардим.

Яқинда яна шунақа ақлбовар қилмас «мактуб» ҳақида хорижий журналда ўқидим. Очиги, беихтиёр уйимиздаги шахсий машинкамга тикилиб қолдим. Ҳаёлан унинг чиқ-чиқ товушини эшитаётгандек бўлдим. Негаки, «мактуб» айнан шунақа машинкада ёзилган дейилганди-да. Ундан ҳам қизиғи, қачондир шу «нарги дунёдан ёзилган хат» ҳақида аллақаерда эшитгандек бўлдим. Аслида бу ҳақда биринчи бор ўқиётирман. Воқеани батафсилроқ айта қолай.

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида ғалати шов-шув тарқалди. Буни шов-шув дейишам ноўриндир, бор гап. Доктор Карл Вернер 1986 йилда вафот этганди. Докторнинг беваси Грета Вернер эрининг ўлимига анча қуникиб қолганди.

Бир кун қоқ тунда пастдаги қаватдаги хонада турадиган машинкада кимдир чиқ-чиқиллатиб ёзаётганини эшитди. «Қизиқ, уйда ҳеч ким йўқ-ку, ким экан? Ўғри тушибди, шекилли». Грета хоним 10 дақиқа машинка овози тингач, юрак ҳовучлаб пастки қаватга тушди. Аста эрининг «иш хонаси»га мўралади. Ҳеч ким йўқ. Бир варақ оқ қоғоз машинкада ёзилган қўйи турарди: «Грета, калавамнинг учини йўқотиб қўйдим. Чиққани йўл тополмаяпман». Марҳум эрининг исми... Шурлик кампир тонг оттунча қўрқувдан титраб мижжа қоқмай чиқди. Тонг отган ҳамона эрининг ҳамкасблари ҳузурига йўл олди. Женева университетининг профессори, физик олим, доктор Хуго Стубер воқеани диққат билан эшитгач, «Бунинг ҳеч ваҳимали томони йўқ-ку?! Грета ўзингни қўлга ол, ундан кўра «эрингни у оламдан чақириб олишга уннаб кўр» деди. «Нималар деяпсан, Хуго, агар эрим мени «тортиб» кетса-чи?!

Доктор Стубер илмий-текшириш гуруҳини тузди, чунки у 20 йилдан буён «ғайри-оддий ҳодисалар» устида илмий қузатишлар олиб борарди. Гуруҳга тўрт нафар руҳшунос мутахассисларни олиб, ярим йил мунтазам равишда «Карл Вернер»ни кутди. «Марҳумнинг ишлайдиган хонасига махсус видеотасвир ўрнатилди. 4 та махсус овоз ёзиш видеотасвири жойлаштирилди. Лекин ҳадеганда Вернердан «дарак» бўлмади.

— Видеотасвирда Карл «кўринди», у букчайиб ўтирганча чиқ-чиқ машинкада «ёзар» атрофга олазарак боқиб, бошини чангаллаб қоларди. Шу пайт видеовоз ёзиш аппаратида «чиқ-чиқ» овози ёзила бошлади. Махсус кузатиш жойидан қараб турдик, у 2 — 3 дақиқача ёзди-да, сўнг тўсатдан тасвирдан «ўчиб» қолди. Гуё ғира-шира кўринаётган ғавдасининг шаклн осмонга қўлларини ёзганча «учиб кетди».

Доктор Стубернинг изоҳлашича, марҳумнинг руҳи икки олам оралигида «адашиб» қолганмиш. Вернернинг руҳи дўзах даҳшатларидан чўчиб «қочган-у», ортга қайтолмай қийналаётган эмиш». Олимнинг фикрича, вақт ўтиши билан Вернер тақдирига тан бериб, «тинчиб» қолар экан.

— Маркс охирги «келишида», — дейди унинг хотини энди бироз хомушроқ кайфиятда. — «Мен албатта «бу ердан» чиқиб олишим керак. Кўришгунча «деб ёзиб» кетибди.

Афсуски, чамаси у «йўл топиб чиқиб кетолмаган» чоғи қайта «уйига келмаган».

Бу ҳодиса замирида қанчалар ҳақиқат бор, билмадим. Лекин инсон руҳи танани тарк этса-да, яқинлари руҳи билан барибир қандайдир илоҳий куч таъсирида «алоқада» бўлиб туради. Шунданам баъзида уларнинг «чақиргани», «ўзга кўрингани», «келгани» бизга кўргандек бўлиб туюлаверади. Айниқса, руҳий толиққан кезларингиз. Ғойибдан мактуб ёзган, «қайтишга йўл қидирган», икки олам орасида «адашиб» юрган Марксннинг «келганига» ишониш-ишонмаслик шарт эмас. Бу эмас муҳими.

Назаримда, руҳимиз ҳам танамизга ғуё «меҳмондек». Шуни теранроқ англаб етмоғимиз муҳимдек менга.

Саида БОНУ.

КИЧИК ОДАМНИНГ КАТТА МАЪРИФАТИ

Маҳаллани катта, умумий оилага менгзаш мумкин. Яхши кунда шодланиб, тўй қилиб чақирадиганимиз, ёмон кунда ҳамиша юкуниб, мадад сўраб борадиганимиз — маҳалла. Чунки маҳаллада кўп жумбоқларни кўплашиб ечадиган, қийин муаммоларни ҳал қиладиган ҳайъат бўлади.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани 41-сонли Мирзакалон Исмоилий номидаги маҳалла қўмитасининг раиси Суннатулла ака Дадамуҳамедов ҳузурига ҳамма маслаҳат сўраб боради. Суннатулла ака билан суҳбатимиз ҳам асосан маҳалла ҳаёти, унинг ташвишлари, юмушлари, маҳалланинг ўз ички қоидалари, яхши қўшничилик ҳақида бўлди.

— Маҳалла юмушлари ҳақида савол бердингиз, — аста вазминлик билан жавоб қайтарди Суннатулла ака. — Маълумингиз бўлса, маҳалла ўзини-ўзи бошқарув органи саналади. Унинг оқсоқоли, котиби ҳамда маслаҳатчиларига катта масъулият юкланди. Маҳалламиз кўп миллатли, байналмилал маҳалла, унинг аҳолиси ҳам асосан кўп қаватли уйларда яшайди.

Маҳалла қўмитасининг юмушларига асосан кам таъминланган оилага ёрдам кўрсатиш, 16 ёшгача бўлган болали оилаларга эса нафақа бериш ҳам киради. Маҳалламиз идораси, намозхона, тўйхонамиз биноси ҳали тўла битмаган. Ўзингиз биласиз, маҳалла ҳам бамисоли катта бир хонадон. Шу хонадоннинг тўйи бор, маъракаси бор.

Мана, тўрт-беш йилдан буён «Эргаштек» кичик корхонаси, «Дархон» қаҳвахонаси жамоаси оғиримизни енгил қилиб, қўлдан келганча бизга кўмаклашиб келмоқда. Ҳар бир яхши ният, қизғин ташаббус ҳам меҳнат, анчайин саъй-ҳаракатлар билан амалга ошади. Кузда маҳалла фаоллари, маҳалла жамоаси биносида иссиқ сув билан иситиладиган батареялар ишга туширилди.

Ниятимиз маҳалламиз ҳудудини обод қилиш, атроф-теваракни боққа айлантириш. Маҳалла идораси атрофига 50-60 туп мевали дарахтлар экдик, баъзиларининг нишона мевасини кўрдик. Маҳалламиз ҳудудида, Салор дарёси бўйида бир пастқам, кўримсиз жой бор эди. Туманимиз ҳокимининг ташаббуси билан шу жойни ободонлаштириб, маҳалламиз аҳли учун боғ қиляпмиз. Маслаҳатчиларимиз Абдурасул ака Алимов, Ўлмас ака Усмоновлар шундай эзгу ишларимизга эш бўляпти.

Халқда уй сотиб олма, қўшни ол, деган мақол бор. Қўшнинг тинч, сен тинч, деган нақд эса шу мақолнинг давомига ўхшайди. Шу нарсанинг ўзи халқимизда маҳалланинг, қўшничилик анъаналарининг нақадар чуқур илдиз отганлигини кўрсатиб турибди. Менинг ўзим маҳаллада катта бўлганман. Маҳалланинг ёзилмаган қонунларидан бири — қўшнини эъзозлаш, унга беҳудага ташвиш орттирмаслик. Бизнинг маҳалламизга кўчиб келаётганлар дастлаб танишиб улгурмасдан, ишни уйни қайта тиклаш, таъмирлашдан бошлаб юборадилар. Бу билан ёнидаги қўшнисига халақит беряптими, бинонинг ўз меъморчилик кўринишини бузяптими — иши йўқ. Мен хусусийлаштириш тарафдориман. Лекин ҳар нарсанинг ўз меъёри, қоидаси бўлади. Бузмасдан таъмирлаш мумкин-ку, ахир.

Баъзида бизга янги қўшнилардан шикоят тушади. Шикоят бўйича бориб «янги уй эгалари»ни ахтариб ҳам тополмайсан. Неча марта қатнашга тўғри келади.

Маҳалла — мўъжаз ватан

— Суннатулла ака, маҳалла учун муҳим бўлган қоида нимада? Юқорида айтганимдай яхши қўшничилик ҳақида нималар дея оласиз?

— Менимча, маҳалла аҳли учун муҳим бўлган қоида, аввало, ёшларимизни тўғрисўз, одил, имон-эътиқодли қилиб тарбиялаш, яхши қўшничиликни ривожлантириш, унутилган урф-одатларимизни тиклаш, атроф-теваракни ободонлаштириш, аҳоли саломатлиги, маърифати билан шуғулланувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиш керак.

Маъсума АҲМЕДОВА

ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚ, ЭНГ ЯХШИ ХОНАНДА

Таҳририятимиз қўшиқчилик санъатини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида «Энг яхши қўшиқ, энг яхши хонанда» рукнини ташкил қилганди. Унинг шартларига биноан, ҳар ойда бир марта ушбу рукн номига келган мактублар асосида энг кўп овоз олган хонандалар ва уларнинг қўшиқлари 5 та ўринга тақсимланади.

Таҳририятимизга юборилган хатлар асосида март ойи бўйича ғолиблар қуйидагича белгиланди:

5-ўрин. Илҳом ФАРМОНОВ: «Эй ёргинам, хуморгинам» қўшиғи.

4-ўрин. Муҳриддин ХОЛИҚОВ: «Ойрухсор севгилим» қўшиғи.

3-ўрин. Насиба АБДУЛЛАЕВА: «Нозли ёрим» қўшиғи.

2-ўрин. Равшан КОМИЛОВ: «Дўлонажон, дўлона».

1-ўрин. Ғиёс БОЙТОЕВ: «Куйдиргувчи дедингиз» қўшиғи.

Ўзингиз ёқтирган қўшиқ ва хонанда номини бизга ёзиб юборинг.

Мактуб йуллаётганингизда конвертга «Энг яхши қўшиқ, энг яхши хонанда» рукнига деб ёзишни унутманг.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 9 aprel, payshanba №43 (22.280).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ,
навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 36.136 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 01119

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб борамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги анкетани тўлғазиб, газета саҳифасидан қирқиб, бизга жўнатинг:

Фамилияси *Бобоколонов*
Исми *Ориф*
Отасининг исми *Бобоколон*
Қачон, қаерда туғилган *1898 йил Тошкент шаҳри, Қибрай қўрғони*
Ҳозир қаерда яшайди *Қибрай шаҳри, Бирлик кўчаси, 25-уй*
Узоқ умр кўришнинг сири *Меҳнатдан* (қисқа баён этилади) *завқ олиш ва халоллик*
Юз ёшнинг хулосаси *Тоза ҳаво — танга даво* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнгида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

ХАЛҚ ТОПИБ АЙТАДИ

Карнай сасининг олиси яхши,
Насиядан нақди яхши.

Илон чаққан арқондан чўчийди.

Бозори яқин бой бўлмас.

Камбағални урма-сўкма,
Кўйлагини йирт.

Нафсингни таъмага,
Тилингни ёмонга ўргатма.

Минг кишининг тусини билгунча,
Бир кишининг исмини бил.

Ариқ чопилиб,
Кийим ювилиб тоза бўлади.

Тўпловчи Юнус ЗИЁДОВ.

Муносабат

ҚОН ТЎКИШ — ДИН ЙЎЛИ ЭМАС

Наманган воқеалари содир бўлган ҳудуд меҳнат аҳли ҳам ушбу заминда юз берган диний руҳдаги ноқонуний фаолиятни кескин қораламоқда.

— Бу воқеага уч-тўрт йил бўлди. Бир куни қишлоғимиз масжидига ўн чоғли диндорлар келибди, деган миш-миш оралади. Одатда хуфтон номозига қатнашиб тураман. Шу мурод билан масжидга чиқдим. Не кўз билан кўрайки, ҳалиги «диндор»лар аксариятининг на соқолига, на сочига тиғ теккан. Ўртада бирови Иброҳим Ҳалилуллоҳ ҳақида маъруза қиларди. Мақсадларини англадиму, даъват қилаётганни саволга тутдим:

— Айтинг-чи, Ҳалилуллоҳ фарзандларини қурбонликка ҳадя қилганларида Исмоилнинг ёшлари нечада эди?

Даъватчи озгина ўйланди-да, билмаслигини бўйнига олди. Кейин мен кўпчилик ўртасида уларнинг бу ҳаракатлари ножўя эканини, қишлоғимизга нотўғри ташриф буюрганларини уқтирдим, инсофга чақирдим, гап орасида тезроқ кетишларини писанда қилдим. Шу бўйи қишлоқдан уларнинг қадами узилди.

Ойнаи жаҳон орқали Наманган воқеаларини кўриб ўтириб бир нафратландим, бир шу йигитларга раҳмим келди. Ғазабим келгани ҳамюрт-ҳамюртига шу даража зиён-заҳмат етказса, Исломдай мукаммал динимиз обрўсига тожовуз қилсалар, муқаддас Оллоҳ каломига зид иш тутсалар. Раҳмим келгани — биз катталарнинг, ота-оналарнинг кўзи қаёқда эдики, фарзандларимиз жоҳиллар таъсирига тушиб қолса.

Шу ўринда диндор-уламоларимиздан ҳам гинам бор. Халқда дарахтнинг бўшини қурт ейди, дейишади. Агар пешқадам уламоларимиз ўз вақтида ҳам назарий, ҳам амалий равишда ёшларга зарур насиҳатларини берганларида иш бу қадар кескинлашиб кетмасмиди.

Бир кам олтмиш ёшдаман. 12 нафар фарзанд тарбияладим. Ҳаммалари ҳалол меҳнат билан тарбия кўряпти. 70 сотих токзорни пудрат асосида парваришлаймиз, ҳосилдан жамият ҳам, оиламиз ҳам манфаатдор, баҳраманд. Шўро даврида ҳам зинҳор жамият ва давлат манфаатига, тинчлик ва осойишталикка таъсир этувчи ҳаракатларга гувоҳ бўлмаганман. Аксинча, эътиқодимизни яширишга мажбур эдик. Юртбошимизга раҳмат, истиқлолга етганимизга шукр. Асл маънодаги виждон эркинлигига мушарраф бўлиб турибмиз. Шу шароитда юқоридаги каби ҳаракатларни содир этиш тўқликка-шўҳлик, Оллоҳга ширкдир.

Фарҳоджон АСҚАРОВ,
Янгиқўрғон тумани «Гулшан» жамоа хўжалиги хизматчиси.

ХАНДАЛАР

ЖУМАВОЙНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

У ҳамма ишни қойиллатади: қурилиш ишлари, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик, ҳатто, пайшанба кунлари паловхон тўрани ҳам тайёрлашга қурби етади.

— Агар унинг қўли гул бўлса, онаси бизникига чиқсин, қизимга ўша гулни тақдим этамиз.

* * *

Бозор томон ўтиб кетаётган геолог йигитга аёллардан бири аста-секин:

— Российский, тенге, олтин, доллар оламан — деди.

— Тушунмадим, нималар деяпсиз?

— Олтин борми?

— Албатта бор, лекин Қозоғистон ва Россияники эмас. Айнан узимизники.

— Бўлаверади. Кўпми?

— Қанча оласиз?

— Пулим етганча оламан-да.

— Олтин бу ерда эмас.

— Қаерда?

— Мурунтовда.

Маҳкам ҚЎЧҚОР ўғли.

Спорт

«ПАХТАКОР»ДА ЎНГЛАНИШ

Олий табақа футбол жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат миллий чемпионати баҳслари тобора кескин ва муросасиз тус олмоқда. Ҳозирча «Навбаҳор» футболчилари мағлубият нималигини билмай илдамлашмоқда. Наманганликлар навбатдаги учрашувни уз майдонларида «Металлург» футболчилари билан ўтказиб (2:0), 12очко билан ягона пешқадам бўлиб олишди. «Пахтакор» мухлислари ҳам мамнун. Севимли жамоа уз майдонида «Андижон»ни қабул қилиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Пахтакорчилар 9 та очко билан иккинчи ўринга кўтарилишди. «Нефтчи» ва «Бухоро» жамоаларида ҳам шунчадан очко бор. Фарғоналиклар «Темирйўлчи»ни қабул қилишган (4:2) бўлса, бухороликлар «Трактор» майдонида (2:0) устун келишди. Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди:

«Дўстлик» — «Суғдиёна» — 2:0,
«Насаф» — «Сурхон» — 1:0,
«Косонсой» — «Зарафшон» — 0:1
МҲСК — «Хоразм» — 1:4

* * *

Биринчи лига жамоалари ҳам мавсумни бошлаб юбордилар. Эртага учинчи тур ўйинлари бўлади. Иккинчи тур учрашувларида эса «Кимёгар», «Ситора», «Орол», «Шаҳрихон», «Цементчи», «Янгиер», «Истиқлол», «Самарқанд», «Тўқимачи» жамоалари ғалабага эришдилар. Ҳозир «Кимёгар», «Янгиер», «Самарқанд» жамоалари олтитадан ғалаба билан олдинда боришмоқда.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ОМОНАТ ДАФТАРЧАСИ
СБЕРЕГАТЕЛЬНАЯ КНИЖКА

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки
1998 йил
«ОИЛА ЙИЛИ»
деб эълон қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 1 мартидан
«ОИЛА»
пул-буюм ютуқли
ЯНГИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу омонат тури бўйича Сиз «NEXIA», «TIKO», «DAMAS» енгил автомобиллари, «DAEWOO» рангли телевизори ва видеомагнитофонлари, «СИНО» музлатгичи, 2х3 ҳажмдаги гиламлар ҳамда қандил ва шунга ўхшаш бир қатор замонавий уй анжомлари ва пул ютуқларини ютиш билан бирга, қўшимча равишда фоиз даромадларини ҳам оласиз.

«ОИЛА» пул-буюм ютуқли омонати бўйича ҳисоб варақаларини Халқ банкининг исталган туман бўлимида очишингиз мумкин.

«ОИЛА» пул-буюм ютуқли омонати Сиз орзиқиб кутган омонат туридир!

Сиз ютган ютуқ ва олган даромадингиз оилангиз кўрки бўлишида Халқ банки омад тилайди!

Маълумотлар учун телефонлар: 78-53-63, 78-29-45, 173-86-80.